

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

НОРМАТОВА НАРГИЗА МИРШОВКАТОВНА

**ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ
ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офталъмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)

Норматова Наргиза Миршовкатовна

Диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини
олишни такомиллаштириш..... 3

Норматова Наргиза Миршовкатовна

Совершенствование ранней диагностики, лечения и профилактики
диабетической ретинопатии..... 35

Normatova Nargiza Mirshovkatovna

Improvement of early diagnostics, treatment and prevention of diabetic
retinopathy..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 71

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

НОРМАТОВА НАРГИЗА МИРШОВКАТОВНА

**ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ
ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офталъмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib364 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилов Халиджан Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилов Саид Ибрагимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Казайкин Виктор Николаевич
тиббиёт фанлари доктори
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Истанбул илмий Университети, тиббиёт
факультети, офтальмология бўлими
(Туркия, Истанбул)

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «1» июль куни соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№205-А рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «16» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «16» июль даги 29 рақамли реестр баённомаси).



А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хозирги кунда ноинфекцион (юқумли бўлмаган) касалликлар орасида «...қандли диабет (ҚД) энг хавфли муаммоларидан бири бўлиб, ҳар қандай мамлакатда соғлиқни сақлаш миллий тизимларида устувор масалаларидан саналади...». Ҳалқаро диабет кўмитаси (ХДК) маълумотларига кўра 2019 йилда дунё бўйлаб 486 миллионга яқин инсон қандли диабет билан хасталанган бўлиб, унинг кўздаги асорати 35% ҳолатда диабетик ретинопатия (ДР) билан намоён бўлади. Касалликнинг оғирлиги диабетнинг давомийлиги ва унинг компенсацияси даражаси, артериал гипертензия (АГ), дислипидемия ва диабетик нефропатиянинг мавжудлиги билан боғлиқ. ДРни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштирилганига қарамай, қандли диабетга чалинган беморлар орасида кўриш қобилияти бўйича ногиронлик 10% ошиб, ҳар йили дунёда 600 мингдан ортиқ диабет билан оғриган беморлар кўриш қобилиятини тўлиқ йўқотади¹.

Жаҳон миқёсида диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш стратегияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 33 мамлакатда ўтказилган тадқиқотлар натижасида ДР тарқалиши кўрсаткичларида сезиларли фарқлар, жумладан: қандли диабет (ҚД) ташхиси қўйилган одамлар орасида Норвегияда 10% дан Жанубий Африка Республикасида 61% гача аниқланган. Бу борада ДРни ҳақиқий тарқалишини ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш; скрининг натижасида касалликни эрта ташхислашнинг самарадорлигини баҳолаш; ДРни ва диабетик макуляр шиш (ДМШ) мавжуд бўлган беморларни даволашда ангиогенез ингибиторларини интравитреал юборишнинг давомийлиги ва хавсизлигини баҳолаш зарур, бу эса касалликни клиник-патогенетик жиҳатларига йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, кўз касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтириш «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ДР жадаллашиш жараёнини, кўришнинг пасайиши ва кўрликнинг олдини олишни инобатга олиб, даволашнинг ёндашувларини такомиллаштириш мақсадида, турли хил ҳавф омиллари, терапия турларидан фойдаланишга ва даволашнинг дифференциал ёндашуви клиник ва патогенетик хусусиятларига боғлиқ равишда ДРнинг реал тарқалишини ўрганиш зарурати юзага келди. Кўз туби тузилмаларини сифатли

¹ International Diabetes Federation, Diabetes Atlas 9th Edition, 2019

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

математик таҳлил қилиш ва ДР ва ДМШ да касаллик прогнозини аниқлаш билан бирга тўр парданинг морфологияси ва функциясини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур. Шунингдек, моно- ва комбинацияланган даволашда ангиогенез ингибиторларини (анти-VEGF) узок муддат ва такрор-такрор юбориш динамикасида клиник, морфологик ва функционал параметрларнинг ўзгаришини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³

Диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув таълим муассасалари, жумладан: Сингапур Миллий кўз касалликлари маркази (Сингапур), Оксфорд университети (Буюк Британия), Къети-Пескарадаги Ж. Д'Аннунцио университети кўз касалликлари бўлими (Италия), Женева университетининг кўз касалликлари бўлими (Швейцария), Гейдельберг университетининг тиббиёт факультети Мангейм шаҳри (Германия), Земмельвайс университети кўз касалликлари бўлими (Будапешт), Америка офтальмология академияси (АҚШ), Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Федерал давлат бюджет муассасаси Эндокринологик тадқиқот маркази (Россия), Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Гельмгольц номидаги Москва кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти (Россия), академик С.Н. Федоров номидаги “Кўз микрохирургияси” ФИТК (Россия), академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи pubmed.ncbi.nlm.nih.gov, www.clinicaltrials.gov; www.rmj.ru, mntk.ru, www.ophtal.org, www.ncbi.nlm.nih.gov; cyberleninka.ru; scholar.google.com, www.medline.ru, www.eyepress.ru/sbornik, www.bjophthalmol.com, www.eyeworld.org, www.aoj.org, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, www.iso.nbu.edu.cn; www.uni-heidelberg.de, www.english.tau.ac.il; www.uef.fi; www.manchester.ac.uk; www.en.scu.edu.cn; www.unc.edu; www.uh.edu; www.niddk.nih.gov; www.wisc.edu сайтлар www.dissercat.com, www.elsevier.com ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, клиник-диагностик асослари, жадаллашишининг ҳавфли омиллари ва уларни даволашни такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: қандли диабет 2-турини тарқалиши ва ДРни аниқланиш даражаси ўрганилган (Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ва «Эндокринологик тадқиқотлар маркази» Россия); тўр парданинг фотосуратлари орқали қандли диабет 2-турида ташхис қўйилган лаҳзадан бошлаб ретинопатияни ривожланиши ўрганилган (Оксфорд университети кўп йиллик кенг қамровли рандомизацияланган клиник тадқиқоти “United Kingdom Prospective Diabetes Study” Буюк Британия); диабетик ретинопатияда анти-VEGF препаратларини интравитреал юбориш ва панретинал фотокоагуляция усули билан диабетик макуляр шиши (ДМШ) даволаш ўрганиб чиқилган (Гейдельберг университетининг тиббиёт факультети, Германия); ДМШ ва диабетик ретинопатияни даволашда ранибизумабнинг икки ёки ундан ортиқ интравитреал инъекциясининг хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган (Женева университетининг кўз касалликлари бўлими (Швейцария), Миллий кўз касалликлари институти “Diabetic Retinopathy Clinical Research Network” АҚШ); ДМШда макуляр лазер фотокоагуляцияси билан интравитреал инъекцияларнинг қиёсий самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилган (Сорбонна университети халқаро рандомизацияланган кўп марказли «RESOLVE Study» тадқиқоти (Франция), Америка офтальмология академияси «VISTA and VIVID Studies» (АҚШ), «SingHealth» фонди ва Миллий Инновация Маркази (Сингапур), Земмельвайс университети кўз касалликлари бўлими (Будапешт); ангиогенез ингибиторлари қўлланилиши сабабли ва ижобий натижалари исботланган (академик С.Н. Федоров номидаги “Кўз микрохирургияси” маркази Россия); диабетик ретинопатияни ва диабетда кўрлик тарқалиши, эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлиги исботланган (академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон).

Дунёда диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: диабетик ретинопатияда кўрликнинг олдини олиш мақсадида эрта ташхислаш муаммоларини асослаш; клиник жиҳатдан аҳамиятга эга диабетик макулопатияни ташхислаш ва даволаш мезонларини ишлаб чиқиш; замонавий даволашда ангиогенез ингибиторларини интравитреал юборишнинг давомийлиги ва хавфсизлигини баҳолаш; ДР учун даволаш-ташхислаш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуасини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб илмий марказларида ДРнинг клиник ва эпидемиологик хусусиятлари соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда (Bressler NM, Miller KM ва ҳаммуалифлар, 2012; Мкртумян А.М., Щадричев Ф.Е., 2014; Липатов Д.В.,

2018) ва ДР ва ДМШ даволашда кўриш функцияларини сақлаб қолиш ва кўрликнинг олдини олиш мақсадида энг мақбул, хавфсиз ва самарали стратегияларни излаб топиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда (Brown DM, Schmidt-Erfurth U, 2015; Do D., Nguyen Q., 2016; Dhoot DS, Baker K, ва ҳаммуалифлар, 2018).

Сўнгги ўн йиллик илмий адабиётларда ДРни даволаш стратегияси масалалари фаол ўрганилди (Шишкин М.М., Юлдашева Н.М., Юсупов А.Ф., 2011; Казайкин В.Н. 2016). Шу жумладан клиник жиҳатдан аҳамиятга эга диабетик макулопатияни даволашда лазеркоагуляция самарадорлигини офтальмологияда энг йирик ETDRS рандомизацияланган тадқиқот натижалари баҳоланган (Browning D. J., Apte R. S., Bressler S. B., 2009; Elman MJ, Qin H, 2012; Distefano LN, Garcia-Arumi J. ва ҳаммуалифлар, 2017). Бундай тадқиқотлар қаторига DRСR, VIVID, VISTA, PACORES ва бошқалар киради, бунда антиангиоген препаратни танлаш, уларни қўллаш тартиби, хавфсизлиги ва самарадорлиги масалалари кўриб чиқилган. Қон томир эндотелийсини ўсиш факторини (VEGF) блокировка қилувчи дориларни интравитреал юбориш усули тўр парданинг турли хил касалликларини даволашда олтин стандарт деб баҳоланган. Шу билан бирга, ДРни эрта аниқлаш скрининг муаммолари, ДМШни даволаш тактикасида биринчи танлов сифатида ангиогенез ингибиторларини қўллаш очик масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда қандли диабетда кўздаги ўзгаришларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: қандли диабетда кўрув аъзоларини ўзгариши ва клиник-эпидемиологик аспекти (Янгиева Н.Р., 1997; Хайдарова Ф.А., 2002), ретинопатияни ташхислаш мезонлари (Баҳритдинова Ф.А., 2000), илк бор қандли диабет ташхисланган беморларда ретинопатияни аниқлаш (Қаюмова Д.Т., 2008), тўр парда макуляр дистрофиясини замонавий ташхислаш ва даволашда ангиогенез ингибиторларини қўллаш усуллари ўрганилган (Юсупов А.Ф., 2018); офталмодиабет туфайли ногиронликнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ёритилган (Джамалова Ш.А., 2018). Ушбу маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасида ДР масаласига бағишланган аввалги тадқиқотлар фақатгина эпидемиология, диагностика, касалликнинг клиникасига бағишланган, лекин диабетик ретинопатияни скрининг ташхислаш услублари ва шу сабабли бу касалликни республика миқёсида аниқ тарқалиш кўрсаткичлари, ҳамда замонавий даволашда ангиогенез ингибиторларининг узоқ муддат ва такрор-такрор юбориш самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази илмий-тадқиқотлар иш режаси «Кўрув аъзоси патологик жараёнларини ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2016-2020 йй.) доирасида ва Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази А-9-002-сонли амалий лойиҳаси доирасида «Ўзбекистон

Республикасида қандли ва қандли бўлмаган диабет билан касалланган беморларнинг миллий регистрини яратиш», шунингдек Бутунжаҳон Қандли диабет фондининг «Қандли диабет билан оғриган беморларда кўрликни олдини олиш» (WDF №07-232) ва «Қандли диабет 2-турига чалинган, бирламчи ташхис қўйилган беморлар орасида диабетик ретинопатия скрининги» (WDF №13-770) халқаро грантлари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ангиогенез замонавий асосларига кўра диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш стратегияларини такомиллаштириш бўйича фактлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диабетик ретинопатия ривожланишининг аҳамиятли омилларини аниқлаш мақсадида 2007 ва 2010 йиллардаги қандли диабет миллий регистри маълумотларига кўра уни тарқалишини баҳолаш;

Бутунжаҳон Қандли диабет фондининг (WDF №07-232) «Қандли диабет билан касалланган беморларда кўрликнинг олдини олиш» гранти кўмагида 2014 йилдаги скрининг маълумотларига кўра диабетик ретинопатиянинг тарқалишини ва ривожланиш динамикасини баҳолаш;

Бутунжаҳон Қандли диабет фонди гранти (WDF №13-770) кўмаги билан Ўзбекистон Республикасининг 3 та пилот ҳудудларида, 2016 йилда янги аниқланган қандли диабет 2-тури беморлари орасида скрининг ўтказиш пайтида диабетик ретинопатиянинг тарқалиши ва эрта ташхислашнинг самарадорлигини баҳолаш;

диабетик ретинопатияли беморларни даволаш учун турли терапия усулларини қўллашнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ва дифференциал ёндашувни баҳолаш;

замонавий даволаш усулларини (ангиогенез ингибиторларини интравитреал юбориш, тўр парда лазеркоагуляцияси, витреоретинал жаррохлик (ВРЖ), фермент терапияси) ҳисобга олган ҳолда ДР учун даволаш-ташхислаш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуасини такомиллаштириш;

ДР билан касалланганларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш учун даволаш-ташхислаш алгоритмининг стратегик ёндашувини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, эпидемиологик қисмида 2007 ва 2010 йиллардаги қандли диабетни миллий регистри (ҚДМР) маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 18 ёшдан катта бўлган вилоят эндокринологик диспансерларда (ВЭД) “Д” рўйхатдан ўтган 111054 бемор; 2014 йилги скрининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 3 та пилот вилоятларида 18 ёшдан катта бўлган, қандли диабет 2-тури билан касалланган 1217 бемор ва 2016 йилги скрининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 3 та пилот вилоятларида, 18 ёшдан катта янги аниқланган қандли диабет 823 беморлар текширилган. Тадқиқотнинг клиник қисмида диабетик ретинопатиянинг турли босқичларидаги 1044 та кўз текширилиб, улардан 672 таси (64,4%) асосий гуруҳни (анъанавий даволаш+ангиогенез ингибиторларини интравитреал юбориш-АИИВЮ) ва 372 (35,6%) назорат гуруҳини (анъанавий даволаш+тўр парда лазеркоагуляцияси) ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг умумий клиник ҳолати, клиник ва лаборатория қон параметрлари, максимал коррекция қилинган кўриш ўткирлиги (МККЎ) ва оптик когерент томография (ОКТ) бўйича тўр парда макуляр зонасининг қалинлиги (ТПМЗҚ) натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда эпидемиологик - анкета сўровлари, скрининг усуллари, клиник қисмида лаборатор, инструментал ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда биринчи марта қандли диабет Миллий регистри ва скрининг натижалари бўйича диабетик ретинопатияни фактик тарқалиши аниқланган, ногиронлик ва кўрликнинг ривожланишида артериал гипертензия, углеводлар ва липидлар алмашинувининг декомпенсацияси энг муҳим омиллар эканлиги исботланган;

диабетик макуляр шиш ва геморрагик ўзгаришлар билан асоратланган ДР билан оғриган беморлар учун комбинацияланган (мужассамланган) терапия тактикаси оптик когерент томография, ультратовуш текшириш ва максимал коррекцияланган кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари ўзгариши асосида такомиллаштирилган;

қон куйилишининг такрорланишини олдини олиш мақсадида кўрув нерви ва тўр парданинг неоваскуляризациясини бартараф этиш учун витреоретинал операциядан сўнг дарҳол ангиогенез ингибиторларини кўз олмаси ичига юбориш учун кўрсатмалар аниқланган;

«Т&Е» - даволаш ва узайтириш режими асосида беморларни кўриш ўткирлиги яхшиланиши, касалхонага ташрифлар сони ва кўз ичига дори воситасини юбориш частотасини камайтириш исботланган. Айнан шу режим орқали бизнинг худудимиздаги беморларни даволашда оптимал натижаларга эришиш мумкинлиги исботланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: кўз тубини фоторегистрация билан қандли диабетга чалинган беморларни скрининг текшируви асосида ДРни эрта ташхислаш бўйича ишлаб чиқилган комплекс ёндашув дастлабки босқичларда диабетик ретинопатияни аниқлашга, углевод ва липид алмашинуви ва АГ параметрларини ўз вақтида коррекция қилиш зарурияти ишлаб чиқилган;

геморрагик синдром ва қон кетишининг қайталанишини камайтириш мақсадида тўр парда ва кўрув нерви неоваскуляризациясини бартараф этиш учун витреоретинал операциядан аввал ва кейин антиангиоген препаратларни юбориш тактикаси амалиётга тадбиқ этилган;

диабетик макуляр шиш, қон кетишлар, тракцион синдром ривожланишининг барча босқичларида терапевтик тадбирларни такомиллаштириш пролифератив ДР билан оғриган беморларни тўлиқ реабилитациясига эришиш ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган;

амалга оширилган таҳлиллар асосида кўриш қобилиятини йўқотиш, эрта ногиронлик ва меҳнат қобилиятини пасайишига олиб келадиган асоратлар сонини камайтириш мақсадида ДР билан оғриган беморларга

ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ таклифлар ва даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумий клиник, офтальмологик, функционал, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, диабетик ретинопатияни ва макуляр шишни ташхислаш ва даволашнинг ўзига хослиги, ҳамда ташхислаш натижалари ҳалқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти офтальмологияда ДРни ва диабетик макуляр шишни замонавий ёндашувни ҳисобга олган ҳолда диагностика, даволаш ва профилактика чораларига комплекс ёндашувни такомиллаштириш, диабетик ретинопатия билан касалланган беморларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш-ташхислаш алгоритмининг стратегик ёндашувини ишлаб чиқишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диабетик ретинопатия билан касалланган беморларни даволаш усулини танлашда патогенетик ёндашувнинг ишлаб чиқилган алгоритми, диабетик ретинопатиянинг турли босқичларида беморларни кейинги даволаш тактикаси бўйича тегишли қарор қабул қилишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Диабетик ретинопатия: таснифи, диагностикаси, даволаш ва башорат қилиш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ДРни таснифи, диагностикаси, даволаш ва башорат қилишни оптималлаштиришга имкон берган;

«Диабетик ретинопатия диагностикаси алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/222-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ДР ташхислаш алгоритмини самарили амалга ошириш имконини берган;

«Диабетик ретинопатияни даволашнинг замонавий аспектлари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/222-сон-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома диабетик ретинопатия даволашнинг замонавий аспектлари такомиллаштириш имконини берган.

Диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлашга амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий амалий тиббиёт маркази, академик Ё.Х. Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий амалий эндокринология

тиббийёт маркази, Қорақалпоқ Республикаси офтальмология шифохонаси ва Фарғона вилояти кўз касалликлари шифохонаси амалиётига тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 майдаги 8н-з/100-сонли хулосаси). Олинган натижалар диабетик ретинопатиянинг пролифератив стадияси асоратлари сонини камайтиришга, касалликни даволаш давомийлигини қисқартиришга ва самарадорлигини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 5 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 14 та мақола, улардан 12 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг мақсад ва вазифалари, объекти, Республикадаги илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига тадқиқот предметининг мослиги таърифланади. Шунингдек тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳам баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларни амалиётга жорий этилиши ёритилади, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилмаси бўйича маълумот берилади.

Диссертациянинг **«Диабетик ретинопатиянинг клиник-эпидемиологик характеристикаси ва даволашнинг замонавий усуллари»** деб номланган биринчи бобида халқаро ва маҳаллий адабиётлар манбаларини батафсил мушоҳада қилинган, диссертация мавзуси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, диабетик ретинопатиянинг тарқалиши, мавжуд диагностика, эпидемиология, профилактика ва даволаш усуллари афзалликлари ва камчиликлари, шунингдек ҳал қилинмаган муаммоларнинг жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг **«Диабетик ретинопатиянинг тадқиқот материаллари ва даволаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ДР мавжуд 1 ва 2-тоифа қандли диабет билан оғриган беморларни текширишга киритилган ва қўлланилган услубиятлар характеристикаси, шунингдек олинган натижаларни баҳолашда фойдаланилган статистик усулларнинг тавсифи келтирилган.

Тадқиқотлар икки қисмга бўлинган бўлиб, шартли равишда қуйидагича белгиланади:

I блок – 3 босқичдан иборат эпидемиологик, тавсифловчи, кўндаланг-бир лаҳзали (cross-sectional) текширув бўйича ўрганиш:

1-босқич – 2007 ва 2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида Қандли диабет Миллий регистрини (ҚДМР) ўтказиш;

2-босқич – Ўзбекистон Республикасининг 3 та пилот вилоятида диспансер («Д») рўйхатидан ўтган қандли диабетга чалинган беморлар ўртасида ДРни скрининг текширувини амалга ошириш;

3-босқич – Ўзбекистон Республикасининг 3 та пилот вилоятида янги аниқланган қандли диабет билан хасталанган беморлар орасида ДР скринингини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 09.11.2006 йилдаги 489-сонли «Ўзбекистонда қандли диабет билан касалланган беморларнинг регистрини яратиш тўғрисида»ги буйруғига биноан Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан 2007 йилда биринчи ҚДМР ўтказилди, 86828 беморга тўлдирилган карталар таҳлил қилинди. 2010 йилда 111054 нафар бемор учун қандли диабетнинг иккинчи регистри ўтказилди.

2014 йилда WDF (07-232-сон) томонидан қабул қилинган «Қандли диабетга чалинган беморлар орасида кўрликнинг олдини олиш» Халқаро лойиҳасини амалга ошириш доирасида, ҚР, Андижон, Сирдарё вилоятлар эндокринологик диспансерларида «Д» рўйхатдан ўтган 2087 бемор орасида диабетик ретинопатия скрининги ўтказилди.

2016 йилда WDF (13-770-сон) томонидан олинган «2-тоифа қандли диабет янги аниқланган (я/а) беморлар орасида диабетик ретинопатия скрининги» Халқаро лойиҳасини амалга ошириш доирасида я/а 2-тоифа қандли диабет билан оғриган 823 бемор орасида ДРга скрининг ўтказилди.

Керакли ускуналар билан жиҳозланган эндокринолог, офтальмолог, кардиолог мутахассислар гуруҳи билан кўчма модул шакллантирилди (1-жадвал).

1-жадвал

I блок – эпидемиологик қисми материаллари бўйича йиғма жадвал.

Тадқиқот босқичлари				
Беморларнинг умумий сони	ҚДМР 2007 й	ҚДМР 2010 й	2014 йилдаги ҚД орасида ДРга ўтказилган скрининг	2016 йилдаги ҚД орасида ДРга ўтказилган скрининг
ҚД (n)				
200792	86828	111054	2087	823
улардан ДР (n)				
92728 (40,1%)	35479 (41,0%)	55967 (51,3%)	1187 (56,9%)	95 (11,5%)

II блок – клиник блок, бу ерда 2015 йил IDF таснифи киритилган бўлиб, у ДРни 2 босқичга ажратади ва ретинопатия босқичларидан қатъи назар, ДМШни ажратади. ДРнинг аниқланган босқичларига кўра даволаш 2 босқичда амалга оширилди:

1 босқич – монотерапия ва ДРни комбинацияланган даволаш, ДРнинг турли босқичларида ангиогенез ингибиторларини интравитреал юбориш (АИИВЮ), ЛК, ВРЖ ёрдамида даволаш;

2 босқич – гемофтальм билан асоратланган ДРни фермент терапияси.

Тадқиқот объекти сифатида жами 1044 та кўз белгиланди, улардан 672 таси асосий гуруҳ ва 372 таси назорат гуруҳи кўзларини ташкил этди. Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: гемофтальмни консерватив даволашдан кейин тарқамайдиган ДМШ борлиги билан кечаётган турли босқичлардаги ДР билан оғриган 2-тоифа қандли диабет мавжуд беморлар. Истисно қилиш мезонлари бўлиб, иккиламчи қон томир, неоваскуляр глаукома, тракцион тўр парданинг кўчиши, мия қон томирлари ўткир етишмовчилиги ва МИни 6 ой ичида ўтказган беморлар хизмат қилди.

Тўр парданинг функционал ҳолатини ўрганиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: ташқи текшириш, кўриш кескинлигини максимал даражада коррекция қилувчи визометрия (МККЎ), тонометрия, тўғри офтальмоскопия, ультратовушли В-сканерлаш, оптик когерент томография (ОКТ), фундус камерада кўз туби фотосуратини олиш. Лаборатория текширувларидан умумий қон, сийдик, наҳорга қонда глюкоза, гликирланган гемоглобин, липид профили таҳлиллари ўтказилди.

Олинган натижаларнинг статистик аҳамиятини аниқлаш факторлари ва самарадорлик белгиларининг маълум қийматларига эга бўлган субъектлар сонидан келиб чиқиб, икки йил давомида олиб борилган тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда туташ ҳолатлар жадвали асосида амалга оширилди. Ҳисоб-китоблар онлайн калкулятор (<http://medstatistic.ru/calculators>) ёрдамида амалга оширилди.

Икки йил давомида натижалардаги фарқларнинг аҳамияти Хи-квадрат мезони ёрдамида баҳоланди; фарқлар $\chi^2 > 3,841$ ва $p < 0.05$ даражасида бўлганда статистик аҳамиятга эга ҳисобланди. 2007, 2010 ва 2016 йилларда беморлар гуруҳларини рақамли таққослаш учун 95% ишонч оралиғи ҳисобидан (95% ИО) имкониятларнинг муносабат кўрсаткичидан (ИМ) фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи «**Ўзбекистонда 2007 ва 2010 йиллар ҚДМР маълумотларига кўра диабетик ретинопатиянинг тарқалиши**» боби бешта кичик бўлим орқали ифодаланади. Биринчи кичик бўлимда 2007 ва 2010 йилларда бутун Ўзбекистон бўйича ва 18 ёшдан ошган 86828 ва 111054 беморлар орасида 12 вилоят, ҚР ва Тошкент шаҳрига боғлиқ тарзда ДР тарқалиши динамикада ўрганилган. 2007 йилда ҚДМР маълумотларига кўра ДРнинг тарқалиши 41,0% ни ташкил этгани ва 35,479 диабет билан касалланган беморларда аниқлангани, 2010 йилда 51,3% (55,963) ташкил этганлиги аниқланди. 2007 ва 2010 йилги маълумотлар таҳлили вилоятлар кесимида ДР тарқалишининг юқори ўзгарувчанлигини аниқлади (2007 йилда 10,7% дан 63,4% гача ва 2010 йилда 25,2% дан 65,8% гача). Кўзи ожизлик ДРни аниқлаш ва кейинги даволаш-профилактика ишлари самарадорлигининг индикатори бўлиб, 2007 йилдаги касалликни юқори кўрсаткичлари кузатилган Самарқанд, Навоий вилоятлари ва ҚР бўлса, 2010 йилда яна Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилоятлари, ҚРда аниқланди. 2007 йилда кўриш қобилятини йўқотиш ҳоллари сони тўғрисидаги маълумотлар, ДР билан касалланган 70 кишидан биттасида кўрликни аниқлади. ДРнинг янги ҳолатларини аниқлашни кучайтириш, унинг

эрта диагностикаси, шу жумладан беморларни мунтазам равишда офталмологга юбориш бўйича тавсиялар бўйича биз томондан ўтказилган семинарлардан сўнг, кўрлик каби жиддий асоратларнинг олдини олишда сезиларли ютуқларга эришилди. 2010 йил якунига кўра ДР билан касалланган 160 беморнинг фақат биттасида кўриш қобилияти йўқолган.


«Беморлар орасида ёшига қараб диабетик ретинопатиянинг тарқалиши» деб номланган иккинчи кичик бўлимда 2007 йилда ДРнинг энг катта тарқалиши 50-59 ёшдаги беморлар орасида (36,01%) аниқланди. Умуман олганда, ДР билан касалланган ҳар беш кишининг тўрттаси 50 ёшдан ошган одамлар ва ҳар беш кишидан учтаси 50-69 ёшдаги одамлардир. 2010 йилда қандли диабет билан оғриган беморлар орасида ДР билан касалланиш даражаси 30-39 ёшдаги одамларнинг 28,0% дан 80 ёшдан ошган беморлар орасида 80,8% гача ўсди, шу билан бирга 50 ёшгача бўлган беморларда ДР билан касалланишнинг пасайиши ва 60 ёшдан ошган шахсларда эса ўсиш тенденцияси кузатилди. Натижада, 50 ёшгача бўлган одамлар орасида ДРнинг тарқалиши статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасаяди (ИМ = 0.78; 95% ИО: 0.73-0.84, $\chi^2=45.71$, $p<0,01$). Аммо 50-59 ёшдаги ДР билан оғриган беморларнинг улуши ўзгаришсиз энг катта бўлиб қолмоқда - 36,17%.

Учинчи кичик бўлимда «Диабетик ретинопатия кўрлик сабаби сифатида», 2007 ва 2010 йиллар ҚДМР маълумотларига кўра, динамикада қандли диабет билан касалланган беморлар (қандли диабет билан касалланган 1000 беморга нисбатан) орасида кўришнинг йўқолишини ДР частотасига боғлиқлиги ўрганилди. Икки йиллик кузатув давомида ДРнинг юқори даражада тарқалиши аниқланган Самарқанд ва Навоий вилоятларида, кўриш қобилиятини йўқотиш ҳолатларининг кўпайиши, ҚДга чалинган 1000 беморга мос равишда 26,9 ва 34,3 ҳолатлар билан намоён бўлди. Шу билан бирга, 2007 йилда ДРни паст даражаси аниқланган Хоразм вилояти ва ҚРда 2010 йилга бориб кўрлик каби оғир асоратнинг кўпайишини аниқлади, жумладан 1000 беморга тўғри 73,0 ва 210,2 ҳолатни ташкил этди.

Тўртинчи «ҚДМРнинг 2007 ва 2010 йиллар кўрсаткичи бўйича қандли диабет компенсациясининг мақсадли параметрларига эришиш частотасига қараб ДР тарқалишини ўрганиш» деб номланган кичик бўлимда таҳлил наҳордаги гликемия, постпрандиал гликемия (овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач 10 ммол/л дан кам), умумий холестерин миқдори ва артериал ҚБ бўйича ўтказилди. 2007 йилда наҳорга аниқланган гликемия билан беморларни қамраб олиш 96,2%, 2010 йилда эса 99,96% ташкил этди ва глюкозика компенсация даражаси паст бўлганлиги аниқланган. Глюкоза миқдорининг наҳордаги кўрсаткичлари 2007 йилда мамлакат бўйича 11790 (13,62%) беморда 7 ммол / л дан кам бўлган, 2010 йилда эса беморларнинг сони 21193 етди (19,42%) ошган. Шу билан бирга, наҳорга аниқланган глюкоза компенсацияси бўйича беморни аниқлаш эҳтимоли 1,5 баравар ошди (ИМ = 0,8; 95% ИО: 0,78-0,81, $\chi^2=511,68$, $p<0,01$). 2007 ва 2010 йилларда гиперхолестеринемия ташхиси қўйилган одамлар орасида 79,2% ва 78,9% даволанишди, беморларда холестериннинг умумий даражаси мақсадли кўрсаткичларга камайиши мос равишда 13,8% ва 17,6% ташкил этди. ҚБ 140/90 мм симоб устунидан бўлиши 2007 йилда қандли диабетга чалинган беморларнинг

71,95 фоизда ва 2010 йилда 61,58 фоизда қайд этилган, уларнинг 60,67 ва 94,02 фоизи даволанган, шу билан ҚБнинг мақсадли кўрсаткичларга пасайиши беморларнинг 17,73% ва 19,43%да кузатилган.

Бешинчи «Қандли диабет компенсациясининг диабетик ретинопатия ривожланишига таъсири» деб номланган кичик бўлимда кўрлик ривожланишининг барча 3 кўрсаткичларнинг компенсациясига боғлиқлиги ўрганилган (1-расм).



1-расм. Кўрлик ривожланишининг ҚДМР 2007 ва 2010 йилларга мувофиқ карбонгидрат ва липид метаболизми ва артериал ҚБ кўрсаткичлари компенсациясига боғлиқлиги.

2007 ва 2010 йилларда тўлиқ компенсацияга эришган беморлар сони мос равишда 76 ва 736 беморни ташкил этди ва компенсацияланган беморлар гуруҳида кўрлик аниқланмади. Компенсация қилинмаган беморлар орасида кўрлик даражаси 2007 ва 2010 йилларда 0,01 ва 0,08% ни ташкил этди, бу эндокринологлар ва офтальмологлар ўртасида ишларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги натижасидир.

Шундай қилиб, ДРнинг ривожланиш хавфи ва жадаллашишини олдини олиш учун ҚДга чалинган беморни даволашда жамоавий ёндашувни ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Диссертациянинг тўртинчи «Қандли диабет билан оғриган беморлар орасида диабетик ретинопатиянинг тарқалиши бўйича эпидемиологик скрининг тадқиқотлари» деб номланган бобида «Д» ҳисобида рўйхатдан ўтган ҚД билан касалланган беморлар орасида ҳам, 2 тоифа ҚДга чалинган янги ташхис қўйилган беморлар орасида ҳам ДРнинг ҳақиқий тарқалишини аниқлаш мақсадида ўтказилган скрининг тадқиқотлари натижалари ўрганилди.

«Андижон, Сирдарё вилоятлари ва ҚРда қандли диабет билан оғриган беморлар орасида диабетик ретинопатия скрининги» деб номланган биринчи кичик бўлимда 2087 нафар ҚДга чалинган беморларда ушбу асорат мавжудлигини аниқлашга қаратилган скрининг ўтказилганлиги бўйича маълумотлар ёритилган. ДРнинг тарқалиши 56,9% ни ташкил этди ($n = 1187$), бу ерда 4,7% ($n = 56$) беморда диабет туфайли кўрлик ва кўришни заифлашиши аниқланган. 43,1% ($n = 900$) беморда диабетик ретинопатия белгилари йўқ эди. Скрининг натижалари Сирдарё ва Андижон вилоятларида ретинопатия

тарқалишининг 1,8 баравар юқори эканлигини, ҚРда рўйхатга олиш пайтида олинган маълумотларга нисбатан 2 баравар юқори эканлигини кўрсатди. Биз томонимиздан аниқланган вазият, кўрлик ва ДРнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун янги ташхис қўйилган 2-тоифадаги ҚД билан касалланган беморлар орасида ДР учун скрининг текширувларини ўтказишга туртки бўлди.

«Андижон, Сирдарё вилоятлари ва ҚРда қандли диабет касаллиги билан касалланган янги аниқланган беморлар орасида ДРнинг ҳақиқий тарқалишини аниқлаш» деб номланган иккинчи кичик бўлимда, жорий қилинган таснифлаш градацияларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар контекстида ДРнинг тарқалиши 11,5 дан 36,8% гача бўлганлиги аниқланлиги баёт этилди. Шу билан бирга, НПДР енгил ва муътадил ҳар учала минтақада ҳам НПДР оғир даражасидан 3 баравар юқори бўлиб, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва ҚҚРда мос равишда 82,1%, 75,0% ва 62,8% ни ташкил этди. НПДР оғир босқичда, интратетинал қон кетиши, вена томир тасбеҳсимон бўлиши ва интратетинал микроваскуляар аномалиялар (ИРМА) мавжуд бўлган, аммо пролиферация белгиларисиз, навбати билан Сирдарё, Андижон вилоятлари ва ҚҚРда 14,3%, 25,0% ва 34,2% да аниқланди. Сирдарё вилоятида неоваскуляризация, гемофтальм билан ПДР 3,6% беморларда, ҚРда 2,8% беморларда аниқланди. ДМШ борлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган скрининг натижасида ДР билан хасталанганлиги аниқланган барча беморларда оптик когерент томография (ОКТ) ўтказилди. Қандли диабет янги ташхиси қўйилган беморлар орасида ДРнинг турли босқичларида ДМШ билан касалланганлар сони 33,7% ни ташкил этди. Енгил ва муътадил даражадаги НПДРга чалинган 13 беморнинг 30,7 фоизида 350 мкмдан кам бўлган ДМШ аниқланди, ДМШ > 350 мкм эса 2,3 марта кўпроқ аниқланди ($p < 0,05$). Шунга ўхшаш ҳолат оғир НПДРда кузатилди, мос равишда 29,4% ва 70,6% ни ташкил этди, бу ерда ҳам фарқ статистик жиҳатдан 2,4 баравар юқори ($p < 0,05$). ПДР 2 та беморда аниқланди ва иккаласида ҳам ДМШ 350 мкмдан юқори бўлганлиги аниқланди.

Янги аниқланган 2-тоифа ҚДга чалинган беморлар орасида биз томондан белгиланган ДР ва ДМШ градациялари, янги киритилган таснифга кўра, самарали ва патогенетик жиҳатдан асосланган даволаш усулини радикаллаштиришга имкон берди. 350 мкм дан кам ДМШ бўлган беморлар гуруҳида РЛК, 350 мкм дан юқори бўлган ДМШ билан АИИВЮ ўтказилди, бу эса шишнинг ўз вақтида емирилишига, кўриш кескинлигининг тикланишига ва кўрлик ва паст кўриш қобилиятининг пасайишига ёрдам берди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг 3 минтақасида ўтказилган ДРнинг тарқалиши бўйича скрининг эпидемиологик тадқиқотлар, шунингдек ОКТ ва фундус камераларнинг техник имкониятларидан фойдаланган ҳолда IDf таснифини жорий қилиш орқали ДМШ аниқлаш учун чуқурлаштирилган текширувларни ўтказиш натижасида ДРнинг аниқ тарқалиши қандли диабетга чалинган беморлар гуруҳида ҳам, янги аниқланган беморлар гуруҳида ҳам сезиларли даражада ошиб кетганлигини кўрсатмоқда. Скринингни амалга ошириш жараёнида диабет ривожланиб бориши билан кўрлик ва кўриш қобилияти паст бўлган беморлар сонининг кўпайишининг сабаблари беморлар

Ўзининг асосий касалликлари тўғрисида, қандли диабетни компенсация қилиш мезонлари, унинг оғир асоратларини олдини олиш ва даволаш усуллари тўғрисида хабардорлигининг пастлиги эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг бешинчи боби «Терапия турли усулларини қўллашнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, диабетик ретинопатияли назорат ва асосий гуруҳларда даволаш-ташхисий, профилактик чора-тадбирлар комплексини такомиллаштириш».

«Умумий тавсиф ва назорат гуруҳидаги беморларда тўр парда лазеркоагуляцияси самарадорлигини баҳолаш» деб номланган **биринчи кичик бўлимида**, 2010-2020 йилларда ЎзР ССВ РКОБда текшириш ва даволанишда бўлган беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш амалга оширилди.

Мазкур тадқиқотнинг клиник қисмида ДР босқичларига боғлиқ тарзда жами 1044 кўз текширилди, улардан 726 таси (69,5%) анти-VEGF терапиясини олган асосий гуруҳни ва 318 таси (30,5%) анъанавий босқичга қараб ЛК қилинган назорат гуруҳини ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

ДР босқичларига боғлиқ назорат (Н) ва асосий (А) гуруҳ беморларнинг (кўзлар) йиғма маълумотлари

Енгил ва ўртача НПДР 20,1%		Оғир НПДР 29,5%		ПДР 50,4%		Жами 100%	
n = 210 кўз		n = 308 кўз		n = 526 кўз		n = 1044 кўз	
(А)	(Н)	(А)	(Н)	(А)	(Н)	(А)	(Н)
37,1%	62,8%	75,0%	25,0%	69,0%	31,0%	64,4%	35,6%
(n=78)	(n=132)	(n=231)	(n=77)	(n=363)	(n=163)	(n=672)	(n=372)

НПДРнинг енгил ва муътадил босқичи 210 та кўзда (20,1%) кузатилган, уларнинг асосий гуруҳи 132 та кўздан (62,8%), назорат гуруҳи эса 78 та (37,1%) ташкил этган. Оғир даражали НПДР 308 кўзда (29,5%) кузатилган, шундан асосий гуруҳ 231 кўз (75,0%), назорат гуруҳи эса 77 (25,0%). ПДР билан оғриган беморларнинг 526 кўзи таҳлил қилинди, уларга жараён кечишига қарамасдан терапиянинг биринчи қатори сифатида АИИВЮ таклиф этилди. Бироқ, беморларнинг инвазив таъсир қилиш усули хавфли ва унинг нархи юқори эканлиги ҳақидаги хурофотлари туфайли кўзларнинг бир қисми, яъни 163 кўзга (31,0%) РЛК операцияси ўтказилди (асосий гуруҳ). Ўз навбатида асосий гуруҳни 363 кўз (69,0%) ташкил этди, улардан 200 тасида тўр парда неоваскуляризацияси ва ДМШ, 52 тасида кўз нерви диски неоваскуляризацияси ва 111 кўзни (21,1%) турли хил интенсивлик ва муддатга эга тўр парда ва шишасимон танага қон кетишлар бўлган.

Назорат гуруҳининг ҳамма беморларида КЎМК, ОКТда макуляр шиш қалинлиги аниқланди ва ҳар босқич учун алоҳида 1, 3 ва 6 ойлик ораликларда даволаш чора-тадбирлари самарадорлиги баҳоланди. Рецидив ҳолатида назорат кучайтирилди.

НПДР енгил ва ўртача босқичлари ва ДМШ гуруҳида комбинирланган даво – ЛК, қонда қанд миқдорини пасайтирувчи ва гиполипидемик терапия

64,3%га кўриш қобилиятини турғун стабилизациясига ва кўшимча ЛКга бўлган эҳтиёжни пасайишига олиб келди. Углевод ва липид алмашинуви декомпенсацияси бўлган беморлар қисмида терапия ёмонроқ натижа берди. Улар орасида (46,9%) кўриш қобилиятини стабилизацияси 1,37 марта кам бўлди.

ЛК натижасида хориоретинал ёпишқоқлик зоналари пайдо бўлиб, улар патологик метаболик маҳсулотларни шишасимон танадан хориоидея томирлари орқали олиб ташлашга ёрдам беради, бу эса тўр парда трофикасини яхшилади ва КЎМК ўсишининг моҳиятини тушунтиради.

Бироқ, ЛК ўтказилганидан кейин макуланинг узоқ вақт давом этган диффуз шишида тўр парда пигмент эпителийси ва нейросенсор аппарати дистрофик ўзгаришлари сабабли тўр парда қалинлиги пасайиши кузатилмаган НПДР энгил ва ўртача босқичдаги (10%), оғир даражадаги (23,1%) ва ПДРли (37,2%) беморлар бўлди. Ушбу асоратларни сарҳисоб қилиш натижасида кўйидагилар аниқланди: ДРнинг барча босқичларида 37,8% ҳолларда кўриш қобилиятини йўқотиш сабаби гемофтальм ва ретинал қон қуйилиши, 39,7% да доимий макула шиши бўлди ва 22,5%да ретинопатия тўр пардани экссудатив ва тракцион кўчиши билан тугалланди.

Шундай қилиб, ЛК кўп йиллар давомида диабетик ретинопатияни даволаш учун "олтин" стандарт сифатида қўлланилганига қарамасдан, бизнинг тадқиқотларимиз натижалари таҳлили унинг етарли даражада самарадорлик йўқлиги ва кўриш фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ножўя таъсирлари аниқланиб, натижада кўриш қобилиятини пасайиши ва 1,6% ҳолларда кўрликка олиб келишини кўрсатди. Бу диабетик ретинопатиянинг ривожланиши ва ривожланишининг олдини олиш учун янги усулларни доимий излашга тўртки беради.

"Диабетик макуляр шиши билан энгил ва ўртача даражадаги нопротлифератив диабетик ретинопатияси бўлган асосий гуруҳ беморлари орасида замонавий терапевтик ва профилактика чоралари комплексининг самарадорлигини баҳолаш" **иккинчи кичик бўлимда** асосий гуруҳни ташкил этган НПДР энгил ва ўртача босқичидаги ДМШли 132 кўзда фенофибрат билан липид туширувчи терапия фонида АИИВЮ билан даволаниш ўтказилди.

Самарадорликни баҳолаш шуни кўрсатдики, 78,5% ҳолларда 1 ойдан сўнг макула шишининг регрессияси туфайли кўриш функциялари яхшиланди, қолган қисмида (21,5%) бу жараён макула зонасида тўр парда шишининг қалинлиги ошгани сабабли ўсди. Маълумотлар КЎМКни $0,1 \pm 0,01$ дан $0,45 \pm 0,02$ гача ($P < 0,01$) деярли 2 баравар яхшиланганлигини ва ТПМЗҚ нинг даволашдан 1 ой кейин $360,7 \pm 22,8$ мкмдан $246,2 \pm 12$ гача, ($P < 0,01$) пасайганлигини кўрсатди. 3 ойдан сўнг ОКТ бўйича қайта текширувда шиш баландлиги ва кўриш ўткирлигининг барқарор турғунлиги кўрсатилди.

Шундай қилиб, худди шу тоифадаги беморларни даволашга бўлган бошқача ёндашувни қиёсий таҳлил қилиш анъанавий ЛК монотерапиясига нисбатан фенофибрат билан биргаликда АИИВЮ комбинацияланган терапиясининг 2,5 баробар кўпроқ самара беришини аниқлади. «Даволашнинг

муваффақиятсизлиги»ни белгилайдиган стандарт протоколлар мавжуд эмаслиги сабабли, кўриш функцияларини барқарорлаштириш ва ДРнинг ривожланишини олдини олиш учун стабиллаштиришга эришгунча зарур бўлган ҳолларда «даволаш ва узайтириш» пинципи асосида турли хил частотада қўлланиладиган антиангиоген терапияни тавсия этиш мумкин.

«ДМШ билан оғир даражадаги НПДР чалинган асосий ва назорат гуруҳдаги беморлар орасида замонавий даволаш-профилактика чоралар мажмуаси самарадорлигини қиёсий баҳолаш» **учинчи кичик бўлимида** оғир даражадаги НПДР чалинган 308 та кўзни текшириш ва даволаш натижалари тахлили келтирилган.

Улардан 77 та кўз назоратни ташкил этди, уларга фенофибрат билан биргаликда ЛК буюрилди ва ушбу турдаги даволаш самараси 1 йил давомида динамикада баҳоланди. 231 кўздан иборат асосий гуруҳ фенофибрат қабул қилиш билан биргаликда АИИВЮ ўтказилди ва 1 йил ичида биз ушбу даволаш усулининг самарасини баҳоладик.

Назорат гуруҳида КЎМКнинг пасайиши $32,3 \pm 1,5\%$ ($n=25$), стабилизация $42,7 \pm 2,7\%$ ($n=33$) ва $25,0 \pm 1,4\%$ ($n=19$) ҳолларда яхшиланганлиги кузатилди. ДМШ билан НПДР оғир босқичида бўлган беморларда КЎМК динамикаси бўйича ЛК натижаларини таҳлил қилиш (3-жадвал), 6 ойлик кузатувдан сўнг КЎМК $0,24 \pm 0,01$ дан $0,1 \pm 0,02$ гача ($p < 0,05$) сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди, яхшиланиш эса $0,24 \pm 0,01$ дан $0,4 \pm 0,04$ гача бўлган ишонарли ($p < 0,05$) ўсишда ифодаланган.

3-жадвал

НПДР оғир босқичдаги ДМШли беморларда КЎМК динамикаси бўйича ЛК натижалари тахлили

КЎМК	Дастлаб $n=77$	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
Камайиш $n=25$	$0,26 \pm 0,01$	$0,22 \pm 0,01^*$	$0,15 \pm 0,01^*$	$0,15 \pm 0,01^*$
Стабилизация $n=33$		$0,26 \pm 0,01$	$0,26 \pm 0,02$	$0,26 \pm 0,02$
Яхшиланиш $n=19$		$0,32 \pm 0,01^*$	$0,39 \pm 0,02^*$	$0,4 \pm 0,04^*$

Изоҳ: * - t-кўрсаткич бўйича дастлабки гуруҳга нисбатан аҳамиятли фарқлик ($p < 0,05$).

Терапиянинг иккита ёндашувини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, АИИВЮдан ўз вақтида фойдаланилганда КЎМК бўйича даволаш самарадорлиги 3,38 баравар ошади. ЛК ва АИИВЮдан олдин ва кейин ТПМЗҚнинг миқдорий тахлили даволашнинг ишончилиги мезонидир. Агар ЛКдан олдин тўр парда қалинлиги 331,2 микронни ташкил этган бўлса, кейин 281,4 микронни ташкил қилди. Шиш резорбциясининг динамикаси 15,04%ни ташкил этди, АИИВЮ қилинган гуруҳда бу кўрсаткич 3,8 баравар юқори бўлди ва 57,53% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, замонавий офтальмология арсеналида лазеркоагуляция ва VEGFга қарши таъсир механизмли ангиогенез ингибиторлари интравитреал инъекциялари кўринишидаги тўр парда диабетик шикастланиши туфайли кўриш қобилятини йўқотишнинг олдини олиш усули мавжуд. Олинган натижалар,

антиангиоген препаратининг киритилиши билан шиш резорбциясининг динамикаси ЛК билан таққослаганда 3,8 баравар юқори эканлигини исботламоқда, аммо бу усул даволашнинг «олтин стандарти» сифатида ҳисобланади. АИИВЮни ўз вақтида қўллаш КЎМК бўйича даволаш самарадорлиги ЛК билан таққослаганда 3,38 баравар, кўриш функциясини барқарорлаштириш эса 2,74 мартаба ошди. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ангиогенез ингибиторлари кўп ҳолларда даволаниш нархи ва юки чекланганда ДМШ бўлган беморлар учун биринчи даволаш усули бўлиши керак. Оддий лазер терапияси бу ҳолатларда иккиламчи аралашув бўлади, аммо даволаниш нархи анча чекланган бўлса, биринчи даражали вариант бўлиб қолади. Шу билан бирга, тўр парданинг диабетик шикастланишини олдини олишнинг асосий усули бўлиб углевод алмашинувининг барқарор компенсация, систолик ва диастолик қон босимини нормаллаштириш ва дислипидемияни фенофибрат билан тузатиш ҳисобланади.

«Тўр парда томирларини неоваскуляризацияси билан пролифератив диабетик ретинопатияни даволашда лазер ва фармакологик стратегиялар самарадорлигини қиёсий баҳолаш» **тўртинчи кичик бўлимда** ПДР билан 526 кўзни даволаш самарадорлигини таҳлили тақдим этилган, улардан 1-кичик гуруҳни тўр парда неоваскуляризацияси бўлган 200 та кўз (38,0%), 2-кичик гуруҳни капиллярларнинг яққол ифодаланган ишемияси ва ёпилишига тўр парданинг ангиоген жавоби сифатида кўрув диски нерви неоваскуляризацияси ташҳиси қўйилган 52 та кўз (10,0%) ташкил қилди. 3-кичик гуруҳ - турли хил интенсивлик ва муддатга эга тўр парда ва шишасимон танага қон кетишлар бўлган 111 та кўз (21,1%).

Учала кичик гуруҳларда биз кўзнинг орқа қутбида тўр парданинг қалинлашиши ёки қаттиқ экссудатлар билан намоён бўлган марказий макула минтақаси иштирокида ёки иштирокисиз диабетик макула шишини аниқладик. ПДР билан касалланган барча беморларга, унга кичик гуруҳнинг шаклланишини аниқлаган жараённинг қандай бўлишидан қатъи назар терапиясининг биринчи катори сифатида АИИВЮ таклиф қилинди. Шу билан бирга, беморларнинг инвазив таъсир қилиш усули хавфи ва унинг қиммат эканлиги ҳақидаги хурофотлари туфайли баъзи беморлар ЛК ни афзал кўришди ва 163 кўзни ташкил этдилар - (30,9%).

АИИВЮ ва ЛК усулларида фойдаланган ҳолда 363 та кўзни даволашнинг қиёсий самарадорлиги ТПМЗҚ бўйича баҳоланди. ЛК қилинган беморларда у 385 ± 26 мкмни ташкил этди ва кузатувнинг барча даврларида сезиларли даражада камайди. Ўртача ЛКни қилиш йилига 4 сеансни ташкил этди, аммо керак бўлганда жараённи барқарорлаштириш учун АИИВЮни қайта қилиш каби кўшимча ЛК сеанслари ўтказилиши мумкин эди. Динамикада, 3, 6 ва 12 ойдан сўнг янги ҳосил бўлган томирларнинг облитерацияси туфайли тўр пардада шишнинг сезиларли регрессияси кузатилди. Бир йилдан кейин шиш қалинлигининг ўзгариши биринчисига нисбатан 1,38 баравар кам бўлиб, меъёрнинг юқори чегарасига яқин қийматга етиб, 280 ± 18 мкм ни ташкил этди.

Ангиогенез ингибиторлари билан анти-VEGF терапияси ўтказилган гуруҳда, тўр парданинг қалинлиги дастлабкига (426 ± 36) нисбатан 3 ой ичида

310±24 мм гача пасайиши тасвирланган, 6 ойдан кейин - 234±20 ва бир йил ўтгач - 190±12. ТПМЗҚ бошланғич кўрсаткичига нисбатан 2,24 баравар камайди ва ЛКга нисбатан ушбу гуруҳда яхшироқ эди. Тўр парда шишининг бундай резорбцияси ва янги ҳосил бўлган томирларнинг облитерацияси ҳар уч ойда тўрт марта қилинган ангиогенез ингибиторларининг натижаси бўлди.

Иккала даволаш усулининг қўлниш қарраси бир хил бўлса ҳам ЛК олган гуруҳда ижобий динамика кузатилган беморлар 45% ни, АИИВЮ амалга оширилган гуруҳда эса бу кўрсаткич 1,73 баравар юқори бўлиб, 78% ни ташкил этди.

3 ойдан сўнг КЎМК 4 қаторга сезиларли даражада ошди ва 0,51±0,002 ни ташкил қилди. Жараённи барқарорлаштириш учун биз АИИВЮни қайта киритишни амалга оширдик, бу эса кўриш ўткирлигини аввалги даражада сақлашга имкон берди. Ангиогенез ингибиторларини 4 марта киритиш юқори ишончли ($P<0,01$) самарадорлигини кўрсатди ва кузатилган давр охирида КЎМК 0,6±0,002 ни ташкил этди ва дастлабки қийматларга нисбатан 6 баравар самаралироқ бўлди, ЛК гуруҳида эса бу фарқ атиги 2 марта ўзгарган.

Шундай қилиб, ЛК гуруҳидаги тўр парда қалинлиги дастлабки билан таққослаганда деярли 1,4 баравар камайганига қарамай, бу КЎМК га таъсир қилмади. Ушбу натижа ЛКнинг такрорий сеанслари, агар улар янги ҳосил бўлган томирларнинг шиши ва облитерациясини резорбциясига олиб келадиган бўлса ҳам, лазернинг коагуляцион термал таъсири туфайли тўр парданинг нейроэпителийсига зарарли таъсир кўрсатиши билан изоҳланади, чунки бу куйдириш жойларида колликвацион некрозга олиб келади.

1 йилдан сўнг АИИВЮ натижалари кўриш кескинлигини яхшилаш ва ретинанинг марказий қалинлигини камайтириш нуқтаи назаридан ЛК усули бўйича сезиларли устунликни намоён этганлигини ҳисобга олиб, биз АИИВЮ ни такроран қўллашни асосли ва хавфсиз деб ҳисоблаймиз. Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, биз ушбу тоифа беморларни даволашга ёндашувларни такомиллаштириш ва ПДР ва ДМШ билан оғриган беморларни даволаш протоколларига ўзгартириш киритишни зарур деб ҳисоблаймиз, чунки анти-VEGF терапиясидан фойдаланиш кўрликни даволашда ҳам, олдини олишда ҳам самаралироқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, ТПМЗҚ ва КЎМК кўрсаткичлари бўйича шиш пайдо бўлиш давомийлигига боғлиқ равишда даволанишнинг бошланишини ўрганилди. ЛК қилинган биринчи гуруҳда шишининг ўртача давомийлиги 19,5±10,2 кунни, АИИВЮ гуруҳида эса шиш давомийлиги 28,7±12,4 кунни ташкил қилди ва улар опасида ишонарли фарқликлар бўлмади. Иккинчи гуруҳда шиш давомийлиги 145,6±34,2 ва 158,2±41,4 кунларни мос равишда ЛК ва АИИВЮ гуруҳларида ташкил қилди ва бу гуруҳларда ҳам ишонарли фарқ бўлмади.

АИИВЮ қилинган беморларда КЎМКнинг 3 баробар яхшиланишининг нисбий хавфи ЛК билан таққослаганда 95%ли ИИ (1,12-2,59) билан 1,76 ни ташкил этди, бу юқори ишончлигини кўрсатади. Ва шунга қарамай, аслида, 1 йилдан кейин ҳар 10 беморнинг биттаси ЛК ёрдамида ва АИИВЮ қилинган 10 кишидан 3 нафари ўз кўриш қобилиятини яхшилаган. Иккала гуруҳдаги тўр парданинг қалинлиги сезиларли даражада камайганига қарамай, ЛК гуруҳида

ўртача 148 мкм ва 146 мкмга, АИИВЮ гуруҳида эса 238 ва 322 мкмга камайди, ТПМЗ пасайишига мос равишда кўриш ўткирлиги ошмади, яъни ҳеч қандай чизиқли муносабатлар кузатилмади.

Шундай қилиб, интратетинал суюқлик тўпланиши кўриш кескинлигининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади, бу қисқа вақт ичида қайтарилиши мумкин, аммо узоқ муддатли шиш доимий кўриш қобилиятини йўқолишига олиб келадиган қайтариб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин. ПДР да тўр парда томирлар неоваскуляризациясида АИИВЮ дан олинган юқори самарадорлик шиш 3 ойдан ошқ давом этганида пасайиш эффектига эга эди. Шунинг учун ўз вақтида ташхис қўйиш ва агар ДМШ аниқланса, дарҳол даволаш жуда муҳимдир, бу кўплаб беморларда ижобий натижаларни олдиндан белгилаб беради ва шу билан кўриш қобилиятини пасайиш кўрсаткичларини ва кўрликни камайтиради.

Бешинчи кичик бўлим «Кўрув нерви диски неоваскуляризацияси билан ПДРни даволашда АИИВЮ карралигига боғлиқ равишда самарадорлигини қиёсий баҳолаш»га бағишланган. Бир томондан тўр парда томирларини неоваскуляризацияси билан пролифератив диабетик ретинопатияни АИИВЮ орқали даволашда олинган ижобий натижалар, бошқа томондан, кўз нерви диски неоваскуляризациясида ЛКни амалга ошириш мумкин эмаслиги ушбу бобнинг мақсадини - беморга йўналтирилган ёндашувни инобатга олган ҳолда, анти-VEGF терапиясининг оптимал режимини танлаш учун, қилиш частотасига қараб, АИИВЮ монотерапиясининг узоқ муддатли самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганишни белгилади.

Клиник текширувларда ва реал клиник амалиётда антиангиоген терапиянинг қўйидаги схемалари қўлланилади: фиксацияланган, мустақкамланган, «эҳтиёжга биноан» (PRN pro-nata) ва «давола ва узайтир» (T&E treat-and-extend).

Бунинг учун 52 кўздан иборат ПДР ва КНД гуруҳида 3 та кичик гуруҳ ташкил этилди, бу ерда АИИВЮ белгиланган режимда - 12 ҳафта ичида 1 марта частота билан (n = 17), PRN (n = 18) ва T&E режимлари (n = 17) билан амалга оширилди. Узоқ муддатли самарадорлик ва хавфсизликни ўрганиш учун кузатиш муддати 3 йилни ташкил этди. КўМК ва ТПМЗҚ каби кўрсаткичлар, ҳамда изланиш охирига етиб борган шахслар сони динамикаси ўрганилди. АИИВЮ монотерапиясини қўллашнинг узоқ йиллик самарадорлиги КўМК бўйича 3 режимда ўрганилди. КўМКнинг дастлабки кўрсаткичлари бир-бирига тенг таққосликда бўлиб, $0,39 \pm 0,02$; $0,41 \pm 0,02$ ва $0,43 \pm 0,02$ ни ташкил қилди ва бу “Фиксацияланган”, “Эҳтиёж биноан” ва “давола ва узайтир” мос келади.

Барча учта режим 6 ой, 1, 2 ва 3 йилдан кейин дастлабки натижалар билан таққослаганда КўМК ишонарли самарадорлигини кўрсатди. Узоқ муддатли самарадорлик ТПМЗҚ бўйича 1, 2 ва 3 йилдан кейин ўрганилиб, у 3 та режимда кузатувнинг ҳамма муддатларида ишонарли самарадорликни намойиш этди. Агар дастлаб ушбу гуруҳлардаги ТПМЗҚ кўрсаткичлари тенг таққосланган ва ишонарли фарқ бўлмаган бўлсада, 1, 2 ва 3 йилдан сўнг дастлабки ҳолатга қиёсланганда биз ТПМЗҚ сезиларли пасайишни кузатдик, бу 254 ± 51 мм; 226 ± 45 ва 202 ± 42 мм ни ташкил қилди, 3 та режимга мос равишда.

3 та АИИВЮ режимида кўриш ўткирлиги сезиларли даражада ошганига ва

тўр парда қалинлиги пасайганига қарамай, йилига ташрифлар сони ва антиангиоген препаратни инъекция қилишда фарқликлар мавжуд эди. Дастлабки ва охири кузатувларни ҳисобга олганда, PRN режими учун Т&Е га нисбатан ойига ўртача ташрифлар сони анча юқори ($1,06 \pm 0,12$ га нисбатан ойига $0,69 \pm 0,17$; $p < 0,001$), бу PRN режимида йилига 12,7 ташрифга (дастлабки ташрифни ҳисобга олган ҳолда) ва Т&Е режимида йилига 8,3 ташрифга тўғри келади. Фиксация қилинган режимда ўртача йилига 12,0 ни ташкил қилди. Кузатувнинг биринчи йилидаги ўртача инъекциялар сони 4,0; 7,0 ва 8,8 ларни ташкил этиб, мос равишда «Фиксация қилинган», «Эҳтиёжга биноан» ва «Даволаш ва узайтириш» режимларига тўғри келади. Барқарор КЎМКга эришилганда ташрифлар ва интравитреал инъекциялар орасидаги интерваллар аста-секин ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда уч йил давомида инъекциялар сони 12,0; 15,2 ва 14,4 ни ушбу режимларга мос равишда ташкил этди. Т&Е режимида 6 ой давомида кузатилган ўртача рецидивсиз интервал 6,8 ($\pm 2,0$) ҳафтани ташкил этди, 12 ойдан кейин 7,9 ($\pm 2,9$) ҳафтагача ўсди, сўнгра кузатувнинг иккинчи ва учинчи йилларида ушбу интервал ошиб, ўртача қийматлар 15,2 га ($\pm 1,1$) етди. Шу билан бирга, фиксация қилинган режимда 32,5% ҳолатда визуал функцияларни барқарорлаштиришга эриша олмаган бўлса, PRN ва Т&Е режимларида бу натижалар сезиларли даражада кам бўлиб, мос равишда 18,5% ва 18,0% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, таҳлил қилинган учта вариантдан Т&Е режими барқарор КЎМКга эришилганда ташрифлар ва интравитреал инъекциялар оралиғини босқичма-босқич ўзайтириб боришни назарда тутати ва беморга йўналтирилган ёндашувни ҳисобга олган ҳолда минимал инъекциялар ва ташрифлар сони билан даволашнинг оптимал натижаларига эришишга имкон беради.

«Диабетик ретинопатия билан оғриган беморларда кўз ичи геморрагияларни фибринолитик дори билан даволаш имкониятлари» **олтинчи кичик бўлимда** шишасимон тана ва тўр пардада турли хил локализациядаги, ҳажмдаги ва муддатдаги қон қуйилиши бўлган ҚД2 беморлари танланди. Тадқиқотга жами 103 бемор (111 та кўз) киритилган, шулардан 52,2%и эркаклар (58 киши), 47,7%и аёллар (53 киши). Беморларнинг ёши 52 ёшдан 66 ёшгача, ўртача ёши $59 \pm 13,7$ ни ташкил қилди. Ўртача кўз ички босими $18,97 \pm 2,16$ мм сим. уст.ни ташкил қилди.

Бошланғич терапиянинг биринчи босқичи сифатида хамма беморларга 0,5 мл 0,9% натрий хлорид эритмасига аралаштирилган Гемаза фибринолитик доривоситасини 5000 ХБ дозада парабульбар юбориш амалга оширилди, даво ку0 та инъекция. Беморларнинг ёши 52 ёшдан 66 ёшгача бўлган (ўртача ёши $59 \pm 13,7$), эркаклар 52,2%, аёллар 47,7% ташкил этди. Ўртача КИБ $18,97 \pm 2,16$ мм сим.уст. Даволаш базис қонда қанд миқдорини туширувчи ва гипотензив терапия фониди олиб борилди.

Кўзларни ўрганиш даволаш бошланишидан олдин, 5 ва 10 кун даволаш динамикасида ва тугагандан 1 ой ўтгач амалга оширилди. Гемазанинг юқори терапевтик самарадорлиги нисбатан кичик қон кетишларни даволашда, айниқса шишасимон тананинг олд қисмларида жойлашганларда қайд этилади. Ушбу ҳолатларда коррекция қилинган кўриш ўткирлиги даволаш бошлангандан бир

ой ўтгач ўртача $0,1 \pm 0,03$ дан $0,6 \pm 0,02$ гача ($P < 0,001$) ошди. Кўзларни А/Б сканерлаш шишасимон танадаги акустик шаффофликка қадар гемофтальмга хос бўлган қоронғилашиш ва хужайравий оғирликни пасайишини кўрсатди. Назорат гуруҳида гемофтальм резорбцияси биринчи ой давомида деярли кузатилмади.

Субтотал гемофтальмда беморларнинг 43,3 фоизда кўриш ўткирлиги ошган ҳолда резорбция кузатилди. Шишасимон тана ва тўр парда такрорий қон қуйилиши бўлган беморларда кўришнинг ўткирлигини тиклаш билан гемофтальмнинг резорбцияси фақат 21,5% ҳолларда кузатилди. Шу билан бирга, шишасимон танадаги қон қуйилишининг резорбцияси тўр пардадагига нисбатан фаолроқ кечди.

Бизнинг фикримизча, кўриш ўткирлигининг пастлиги қисман ДРдаги тўр пардада экссудатив ва пролифератив ўзгаришлар билан изоҳланган. Гемазанинг терапевтик таъсири қон қуйилиш давомийлиги ва шишасимон танада пролифератив жараёнларнинг мавжудлигига боғлиқ эди. Қон қуйилишларига бир неча кун бўлганида уларнинг тўлиқ ёки қисман сўрилиб кетиши 51,3% беморларда кўриш ўткирлигининг ошиши билан кузатилди, бунда резорбция жараёни ва кўриш ўткирлигининг ошиши бешинчи кундан то даволаниш жараёни тугагунига қадар қайд этилди. Проллифератив диабетик ретинопатия фонида шварт ҳосил бўлиши ва тўр парданинг тракцион кўчиши билан қайталанган қон қуйилиши кузатилган беморларда резорбция фақат 12,7% ҳолларда кузатилган, швартлар лизиси ёки юпқалашуви умуман кузатилмаган. Препаратнинг антиоксидант хусусиятлари кўриш функцияларини яхшилашга ҳисса қўшди, айниқса НПДР билан оғриган беморларда кўриш ўткирлиги 0,5-0,9 гача кўтарилди.

Шу билан бирга, кенг тарқалган, тез-тез такрорланадиган тўр пардада қон қуйилиши ва гемофтальм бўлган беморларда, айниқса пролифератив ДРда, Гемазадан фойдаланиш унинг яққол фибринолитик ва ажратувчи таъсири ва такрорий қон қуйилиши хавфи туфайли анча чекланган эди. Бундай ҳолатларда даволаш гемостатик терапия билан бошланди ва мушак ичига 2,0 мл дан кунига бир марта, 5-10 кун дицинон ва кунига 0,5 мл дан 3-5 кун давомида парабульбар аминокапрон кислота юборилди. Кейин Гемаза юқоридаги дозада парабульбар инъекциялари шаклида ишлатилган.

Шундай қилиб, Гемаза гемофтальмларни, айниқса қон қуйилишидан кейинги дастлабки босқичларда, шишасимон тана ва тўр пардада пролифератив жараёнлар мавжуд бўлганда резорбция қилиш учун самарали воситадир. Гемаза бошқа дорилар билан биргаликда ёрдам сифатида ишлатилиши мумкин, оптик муҳитларнинг шаффофлигига эришилгандан сўнг тўр парданинг лазер коагуляциясини амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари, Гемазанинг гемофтальмни даволашда қон қуйилиши давомийлигига қараб таъсирини ўргандик. Кўзларни А/Б-сканерлаш натижаларига кўра, беморлар 3 кичик гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - 10 кунгача гемофтальм, 2-гуруҳ - 10-30 кунлик гемофтальм ва 3-гуруҳ - 1 ойдан ортик патологик жараён билан.

Шундай қилиб, дастлабки кўриш ўткирлиги $0,03 \pm 0,01$, 10 кунгача бўлган гемофтальмни 16 та кўзда гемаза билан фермент терапияси ўтказилди, натижада даволаш охирида кўриш ўткирлиги $0,4 \pm 0,05$ гача 12 та кўзда яхшиланди, бу 75%

ни ташкил этди. 10 дан 30 кунгача гемофтальм билан муружаат қилган беморлар гуруҳида (58 та кўз) дастлабки кўриш ўткирлиги $0,05 \pm 0,02$ ни ташкил этди ва фақатгина 47,2% (39 та кўз) ўткирлиги $0,2 \pm 0,01$ га яхшиланганлигини кўрсатди, аммо, бу кўришнинг равшанлиги йўқлиги сабабли беморларни кониктирмади. 1 ойдан ортиқ гемофтальм билан муружаат қилган беморлар гуруҳида дастлабки кўриш ўткирлиги паст бўлган ($0,03 \pm 0,04$) ва даволаш пайтида умуман ўзгармаган.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, гемофтальм 10 кунгача бўлган гуруҳда фермент терапиясининг самарадорлиги кеч муружаат ҳолатларига қараганда анча юқори эди.

Субтотал витрэктомия гемофтальм билан асоратланган диабетик ретинопатияни даволашнинг замонавий стандарти бўлиб қолишига қарамай, биз бундай беморларга даволашнинг бошида резорбция ферменттерапиясини буюриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги сабабли витрэктомия фақат бир нечта хусусий клиникаларда амалга оширилади ва моддий жиҳатдан барча беморлар учун тўғри келмайди. Натижада, ҳамма беморлар ҳам ўз вақтида жарроҳлик муолажасини ололмайдилар, бу эса швартлар ҳосил бўлишига ва тўр парда тўр пардани тракцион кўчишига ва оқибатда кўрликка олиб келади.


Шундай қилиб, Гемаза фибринолитик препарати гемофтальмларнинг резорбцияси учун самарали восита бўлиб, айниқса, қон қуйилишикейинги дастлабки даврда 10 кунгача бўлган вақт ичида, беморларнинг 2/3 қисмида оптик муҳитни аниқлаштириш ва қон кетишининг резорбцияси туфайли кўриш кескинлигини 1,58 баравар яхшилади. Даволашнинг самарадорлиги бевосита шишасимон танага қон кетишининг жойлашишига, ҳажмига ва давомийлигига боғлиқ.

«Операциядан кейинги даврда ангиогенез ингибиторларини асосий ва назорат гуруҳ беморларида гемофтальмнинг такрорланишига таъсирини таҳлил қилиш» деб номланган **еттинчи кичик бўлимда ВРХ** ўтказилгандан кейин қайта қон қуйилишлар кузатилган беморлар бўлди. Шу муносабат билан ангиогенез ингибиторларининг ВРХ қилинганларда операциядан кейинги гемофтальм рецидивига таъсириини ўрганиш мақсадида 45 кўздан иборат гуруҳ тузилди. Улардан назорат гуруҳига (18 та кўз) газ-ҳаво аралашмаси билан шишасимон бўшлиқ тампонадасили ВРХ ўтказилган шахслар киритилган. Асосий гуруҳ (27 та кўз) шу операция қилинган ва операциядан кейин ангиогенез ингибиторлари кўз бўшлиғига юборилган шахслардан иборат эди. Операциядан 3 кун ўтгач шишасимон бўшлиқда газ ҳажми тахминан 30% гача камайди ва 10 кундан кейин тўлиқ сўрилиб кетди. Витрэктомиядан кейин 1 ой ичида барча беморларда тўр парда панретинал фотокоагуляцияси ўтказилди.

Динамик кузатув операциядан кейин 2 ҳафта, 1, 2, 3 ва 6 ой ичида ўтказилди. Беморларнинг тавсифи иккала гуруҳда ҳам бир хил эди ва барча кўрсаткичларда (ёши, жинси, кўз ичи босими, касаллик давомийлиги ва НВА1с) статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар бўлмади.

Жарроҳликдан сўнг АИИВЮ гуруҳидаги 14,8% ҳолларда ва назорат гуруҳидаги 50,0% ҳолларда гемофтальмнинг қайталаниши содир бўлди. АИИВЮ гуруҳида гемофтальм қайталаниш даражаси назорат гуруҳига нисбатан


анча паст бўлган ($P < 0,01$). Жарроҳликдан кейинги 1 ой ичида гемофтальмнинг эрта қайталаниши АИИВЮ гуруҳидаги бирон бир ҳолатда кузатилмади, аммо назорат гуруҳида 5 ҳолатда бўлди. Операциядан кейинги қолган кузатув даврида (5 ой) АИИВЮ ва назорат гуруҳларида гемофтальм мос равишда 14,8% ва 22,2% ҳолларда такрорланди.



2-расм. 6 ой давомида такқосланган гуруҳларда витрэктомия қилинганидан кейин қон қуйилиш даражаси/ҳажмига қараб, гемофтальмнинг такрорланиш частотаси.

АИИВЮ гуруҳидаги гемофтальм бўлган барча ҳолатларда кузатув даври тугаши билан қон қуйилишининг ўз-ўзидан сўрилиб кетиши аниқланди, назорат гуруҳидаги 5 та беморга такрорий витрэктомия зарур бўлди. Дастлабки тозалашдан сўнг шишасимон бўшлиққа ҳар қандай қон қуйилишини биз қайта қон қуйилиши (ҚК) деб таърифладик. АИИВЮ қилинган беморларда қон қуйилишининг такрорланиш даражаси назорат гуруҳига нисбатан анча паст эди. Шундай қилиб, АИИВЮ гуруҳида такрорий энгил қон қуйилиши 4 марта кам ($P < 0,01$), ўртача даражадаги қон қуйилиши назорат гуруҳига нисбатан 2 барабар кам бўлди, АИИВЮ гуруҳидаги бирон бир беморда оғир қон қуйилиши кузатилмади, назорат гуруҳида эса 11,1%ни ташкил қилди ($P < 0,01$). АИИВЮ гуруҳида гемофтальм қайталанишининг нисбий хавфи назоратга нисбатан 68% паст бўлди ва $OR = 0,32$ 95% ИИ (0,52; 0,91) (2-расм)

3-расмда кўришиб турганидек, беморларнинг иккала гуруҳи 6 ой ичида ўртача кўриш ўткирлиги яхшиланишини кўрсатди. АИИВЮ гуруҳида (ўртача қиймат±SD) КЎМК мос равишда 0,3 дан 0,33 гача, даволанишдан кейин 2 ҳафта ўтгач, 1, 2, 3 ва 6 ой ўтгач, 0,4-0,5-0,5-0,65 гача яхшиланди ($P < 0,001$). Назорат гуруҳида тадқиқот бошида КЎМК қиймати 0,001 эди, кейин у 2 ҳафта ичида 0,3 га яхшиланди, 1, 2, 3 ойдан кейин 0,4-0,46-0,48 гача ва ниҳоят 6 ойдан кейин 0,45 га камайди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, КЎМКнинг энг сезиларли яхшиланиши дастлабки 3 ой ичида содир бўлган. Бундан ташқари, кейинги 3 ой ичида солиштирилган гуруҳларда кўриш ўткирлигининг ўсишидаги фарқ сезиларли даражада фарқлана бошлади ($P < 0,01$) ва 0,17 ни ташкил этди ва нисбий хавф (OR) 95% ИИ (0,21; 0,84) ни ташкил этди.



3-расм. 6 ой давомида таққосланган гуруҳларда максимал даражада тузатилган кўриш ўткирлигининг динамикаси

2 гуруҳ натижаларини қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, витрэктомиядан сўнг кўз ичи босими статистик жиҳатдан сезиларли фарқга эга бўлмади. Тадқиқот гуруҳларида иккиламчи глаукома ва эндофталмит каби бўлиши мумкин бўлган асоратлар кузатилмади. Ўртача КЎМК ҳам сезиларли фарқланди ($P < 0,01$) ва назорат ва асосий гуруҳларда мос равишда $0,45 \pm 0,02$ ва $0,65 \pm 0,02$ ни ташкил этди. Тадқиқот натижалари витрэктомиядан сўнг КЎМК иккала гуруҳда ҳам сезиларли даражада ошганлигини таъкидлашга имкон беради.

АИИВЮ гуруҳида ўртача КЎМК қиймати кузатув даврида аста-секин ўсиб борди, назорат гуруҳида эса операциядан кейинги 3 ойгача КЎМК ўсиши кузатилди.

АИИВЮ гуруҳида гемофтальмнинг қайталаниш даври назорат гуруҳига қараганда анча паст бўлган ва такрорий ҳолатларда АИИВЮ гуруҳидаги барча қон қуйилишлар мустақил равишда сўрилган, назорат гуруҳида эса шишасимон бўшлиқда гемофтальмнинг қолдиқлари сузувчи хираликлар кўринишида кузатилган. Газ-ҳаво аралашмаси алмаштирилган витрэктомиядан кейин дарҳол амалга ошириладиган ангиогенез ингибиторларини интравитреал қўлланилиши оптик дискда ёки тўр парда неоваскуляризацияни бартараф этиши мумкин, бу эса операциядан кейин қон қуйилишини такрорланиш эҳтимолини камайтиради.

«Диабетик ретинопатия диагностикаси ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш» еттинчи бобида «Диабетик ретинопатия диагностикаси ва даволаш алгоритми» келтирилган (4-расм). Биз томонидан ишлаб чиқилган диабетик ретинопатия диагностикаси ва даволаш алгоритми ДМШ билан диабетик ретинопатиянинг 2015 йилда Халқаро диабет федерацияси (IDF) томонидан таклиф қилинган халқаро таснифини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, ўз кузатувларимиз ва тадқиқотларимиз натижаларига асосланган. Унда хавф омилларини коррекция қилиш фонида диабетик ретинопатиянинг ривожланишини олдини олиш ва даволаш бўйича аниқ тавсиялар билан кўз тубининг ўзгаришлари диагностикаси босқичма-босқич келтирилган.



4-расм. Диабетик ретинопатия диагностикаси ва даволаш алгоритми

Биз томонидан ишлаб чиқилган диабетик ретинопатия диагностикаси ва даволаш алгоритми ДМШ билан диабетик ретинопатиянинг 2015 йилда Халқаро диабет федерацияси (IDF) томонидан таклиф қилинган халқаро таснифини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, ўз кузатувларимиз ва тадқиқотларимиз натижаларига асосланган. Унда хавф омилларини коррекция қилиш фонида диабетик ретинопатиянинг ривожланишини олдини олиш ва даволаш бўйича аниқ тавсиялар билан кўз тубининг ўзгаришлари диагностикаси босқичма-босқич келтирилган.

"Пролифератив диабетик ретинопатия билан оғриган беморларни бошқариш тактикаси" **иккинчи кичик бўлимда** пролифератив диабетик ретинопатия билан оғриган беморларни даволашнинг унифицирланган тактикаси келтирилган, бунда кўришнинг қайтариб бўлмайдиган йўқолишига


тахдид солувчи клиник аҳамиятга эга макула шиши ҳисобга олинган.

Тўр парда лазеркоагуляцияси периферик кўриш қобилиятининг ёмонлашиши, тўр парда баъзи хужайраларига коагулянтларнинг ҳалокатли таъсири туфайли қоронғиликда ёруғликка ўрганишни секинлашиши каби ўз камчиликларига эга.

Кўрув нерви неоваскуляризацияси ва макула иштирокили клиник жиҳатдан аҳамиятли ДМШ бўлганда лазеркоагуляция усулини қўллаш мумкин эмас. Бундай ҳолларда даволашнинг ягона усули АИИВЮ ҳисобланади. Интравитреал юбориш учун VEGF ингибиторлари ишлаб чиқарилиши ва амалиётга татбиқ этилиши ДР ва ДМШни даволашда янги истиқболларни очди. Ягона даволаш усули сифатида ҳам, ЛК билан биргаликда анти-VEGF терапиясидан фойдаланиш макула шишининг оғирлигини пасайтиради ва кўриш ўткирлигини яхшилайдди. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига кўра, АИИВЮ ПДРнинг узок муддатли прогнозини яхшилашга, тўр парданинг лазеркоагуляциясига бўлган эҳтиёжни 3,8 баравар камайтиришга имкон беради. ПДР ва тўр парда неоваскуляризациясини даволашда АИИВЮ ва лазер стратегиясининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш ангиогенез ингибиторлари олган беморларда кўриш ўткирлигини 3 баравар яхшиланганлигини кўрсатди.

Аммо, ДМШ бўлмаган ПДРда анти-VEGF дори-дармонларини кетма-кет юбориш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд, бунинг сабаби ташриф жадвалига риоя қилмаслик ва беморнинг молиявий чекловлари, ҳомиладорлик ёки бошқа умумий қарши кўрсатмалар бўлиши мумкин. Ушбу тоифадаги беморларни анъанавий лазер усули билан даволаш керак бўлади.

Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда, биз ДМШ билан ва усиз ПДРли беморларни, шунингдек, кўришни қайтариб бўлмайдиган йўқотиш хавфини туғдирадиган клиник аҳамиятга эга макула шишини даволаш усулларини бирлаштирдик. 5-расмда ДМШсиз ПДР бўлган беморларни даволаш тактикаси кўрсатилган.




5-расм. ДМШ бўлмаган ПДР билан оғриган беморларни бошқариш тактикаси

Юқоридаги схема бўйича, ДМШ бўлмаган ПДР босқичидаги беморлар билан кейинги даволаниш тактикалари тўғрисида қарор қабул қилиш учун суҳбат қурилади. Агар эндокринолог билан ўзаро алоқада бўлинса, молиявий чекловлар бўлмаса, ПДР ривожланишининг сабабчи механизмлари бўлган хавф омиллари компенсацияси учун қон босими, гликирланган гемоглобин ва липид метаболизмининг мақсадли қийматларига етгунча қалар чоралар кўрилади. Кўп йиллик тадқиқотларимиз натижаларига кўра, анти-VEGF доривоситаларини серияли қилиш ДМШсиз ПДРни даволашнинг биринчи йўналиши сифатида тавсия этилади. Молиявий чекловлар бўлса, бемор анъанавий панретинал ЛКга юборилади, бу бизнинг маълумотларга кўра АИИВЮ билан таққослаганда унчалик юқори натижаларга эга эмас. Ушбу тоифани даволашга ёндашувларни бирлаштириш ва ДМШ билан ПДР аниқланган беморларни даволаш протоколларига ўзгартиришлар киритиш зарур, чунки анти-VEGF терапиясини альтернатив қўллаш кўрликни ҳам даволашда, ҳам олдини олишда самаралироқ бўлиши мумкин (6-расм).

Мазкур тактика, шунингдек, беморда молиявий чекловлар бўлмаса ва даволанишга бўлган муносабатни баҳолаш узок вақт давомида кўриш ўткирлигини юқори кўрсаткичларига эришилганлигини кўрсатса, биринчи ва етакчи ўринга АИИВЮ сериясини чиқаради.

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатдики, умидсизлик ҳолатларида, бемор фақат дастлабки 2-3 процедура учун маблағ топа оладиган бўлса, ва кейинчалик маблағ этишмаслиги туфайли кетма-кет VEGF-терапиясини ололмайдиган бўлса, у кўриш қобилятини йўқотади ва кейинчалик текширувга келмайди. Бундай вазиятда биз аввалги даволанишга жавобни баҳолашни тавсия этамиз ва ДМШ нинг рецидивидида беморга даволанишнинг бошқа алтернатив усули бўлмаган ҳолда лазер коагуляциясини давом эттириш зарурлиги тўғрисида тушунтириш берилади.




6-расм. ДМШ билан ПДР бўлган беморларни бошқариш тактикаси.

Шундай қилиб, ПДР билан турғун диабетик макула шиши бўлса, узок вақт давомида марказий кўришни сақлаб қолиш учун ангиогенез

ингибиторларини кетма-кет (серияли) киритилишини тавсия этамиз. Агар молиевий чекловлар мавжуд бўлса, унда тўр парда макула зонасини фокал лазер коагуляциясини давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, марказий макула зонасини ўз ичига қамраб олган ДМШ билан ПДРли беморларни даволаш учун, шунингдек, тўр парда қалинлашуви, ташқи плексиформ ва ички ядро қатламларида фовеа яқинидаги суюқлик тўпланиб, суюқлик билан тўлган кистасимон ҳосилани ташкил этганлиги сабабли, макула марказига тарқаган бўлса, беморларни даволаш ва бошқариш тактикаси ишлаб чиқилган. Бу кўриш ўткирлигининг сезиларли пасайиши билан намоён бўлади ва тўр парда пигмент эпителийсининг дистрофияси, ламелляр макуляр тешик, эпиретинал мембрана каби асоратларга олиб келиши мумкин. Бундай беморларни даволаш янада кўриш қобилиятини йўқотишини олдини олиш учун ангиогенез ингибиторларини кетма-кет киритилишини талаб қилади. Молиевий чекловлар бўлмаган ҳолда, визуал функциялар барқарорлашгунча беморга йўналтирилган даволанишни давом эттириш керак. Агар маблағ томонидан муаммо пайдо бўлса, фақат шишнинг резорбциясининг ижобий динамикаси фониде, беморни фокусли ЛКга ўтказиш мумкин, аммо КЎМК яхшиланиши кафолатсиз (7-расм).



7-расм. Марказий макула зонаси иштирокида ПДР ва ДМШ бўлган беморларни бошқариш тактикаси.

Шундай қилиб, ДМШ билан ва ДМШсиз ДР билан касалланган беморларни турли босқичларда бошқариш бўйича кўп йиллик тажриба, уларни кундалик воқеликларга асосланган даволаниш учун молиевий имкониятлар ёки чекловлар, мувофиқлик ва даволаниш натижаларини

баҳолаш учун беморнинг узоқ муддатли ва тизимли кузатувларга риоя қилиши каби тактикани ишлаб чиқишга имкон берди.

ХУЛОСАЛАР

«Диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш» мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ҚДМР маълумотларига кўра, 2007 йилда ДРнинг тарқалиши 41,0% (47,9 % ҚД-1 ва 40,1% ҚД-2)ни, 2010 йилда 51,3% (46,8% ҚД-1 ва 51,0% ҚД-2) ташкил этганлиги аниқланди.

2007 ва 2010 йилги маълумотларнинг қиёсий таҳлили аниқлади:

- вилоятлар кесимида ДР тарқалишининг юқори ўзгарувчанлигини (2007 йилда 10,7% дан 63,4% гача ва 2010 йилда 25,2% дан 65,8% гача). 2007 йилда кўриш қобилиятини йўқотиш ҳоллари сони тўғрисидаги маълумотлар ДР билан касалланган 70 кишидан биттасида кўрликни аниқлади. ДРнинг янги ҳолатларини аниқлашни кучайтириш 2010 йилда, сезиларли протрессга эришилди ва натижада ДР билан касалланган 160 беморнинг фақат биттасида кўриш қобилияти йўқолган.

- 2007 ва 2010 йилларда барча 3 та кўрсаткич бўйича мақсадли қийматга эришилганда компенсацияланган беморлар гуруҳида кўрлик аниқланмади. компенсация қилинмаган беморлар орасида эса кўрлик даражаси 0,01 ва 0,08% ни ташкил этди, бу эндокринологлар ва офтальмологлар ўртасида ишларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги натижасидир.

2. 2014 йилда учта тажриба-синов (пилот) вилоятларда ўтказилган скрининг тадқиқотлари натижалари ДРнинг тарқалиши ҚДМР маълумотларига нисбатан 1,4 баравар юқори эканлигини ва неоваскуляризациясиз кўз тубининг илк ўзгаришлари 1,62 баробар кўпроқ аниқлаганлигини кўрсатди.
3. IDF классификациясининг янги даражаларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда 2016 йилда ўтказилган янги аниқланган ҚД беморлари орасида ДРни скрининг текшируви натижасида ДРнинг тарқалиши 29,5 дан 36,8% гача аниқланди. Шу билан бирга, ҳар учала вилоятда ҳам енгил ва ўртача НПДР оғир даражадаги НПДРга қараганда 3 баравар юқори бўлиб, Сирдарё, Андижон вилояти ва ҚРда мос равишда 82,1%, 75,0% ва 62,8% ни ташкил этди. Оғир даражали НПДР Сирдарё, Андижон вилоятлари ва ҚРда мос равишда 14,3%, 25,0% ва 34,2% ташкил этганлиги аниқланди. ПДР фақат Сирдарё вилоятида 3,6% ва ҚРда 2,8% беморларда аниқланди.
4. Тадқиқотнинг клиник блокада 1044 кўздан 20,1% енгил ва ўртача даражадаги НПДР, беморларнинг 29,5% оғир НПДР ва ПДР 50,4% аниқланди. ДРни ЛК усули билан даволаш тез-тез ривожланиб турувчи турғун резистив макула шиши, тўр пардада қон қуйилиши ва рецидивловчи гемофтальм билан тавсифланди, бу эса охири 1,6% ҳолларда

кўриш қобилиятини пасайишига ва кўрликка олиб келди. НПДР енгил ва ўртача босқичлари гуруҳида комбинирланган даво – ЛК, қонда қанд микдорини пасайтирувчи ва гиполлипидемик терапия 64,3%га кўриш қобилиятини турғун стабилизациясига ва кўшимча ЛКга бўлган эҳтиёжни пасайишига олиб келди. Углевод ва липид алмашинуви декомпенсацияси бўлган беморлар қисмида кўриш қобилиятини стабилизацияси 1,37 марта кам бўлди.

5. Худди шу тоифадаги беморларни даволашга бўлган бошқача ёндашувни қиёсий таҳлил қилиш бир марта АИИВЮ ўтказилганда 2,5 баробар кўпроқ самара беришини аниқлади: енгил ва ўртача НПДРда АИИВЮда 52,9%, ЛК фониди 21,3%. Оғир НПДРда АИИВЮ шиш резорбциясининг динамикаси ЛКга нисбатан 3,8 баравар юқори бўлди. Фикримизча, АИИВЮ даволаниш нархи ва юки чекланганда ДМШ бўлган беморлар учун биринчи даволаш усули бўлиши керак, ЛК бу ҳолатларда иккиламчи аралашув бўлади, аммо даволаниш нархи анча чекланган бўлса, биринчи даражали вариант бўлиб қолади.
6. ПДР гуруҳида АИИВЮ, кўриш ўткирлигини яхшилаш ва КЎМКни камайтириш нуқтаи назаридан ЛК услубидан сезиларли устунлигини намойиш этди. ЛКнинг такрорий сеанслари, хавфсиз АИИВЮ сериясидан фарқли ўларок, тўр парда нейроэпителлийсига зарарли таъсир кўрсатади. ПДР ва тўр пардада неоваскуляризация бўлган беморларни даволашда АИИВЮ ва лазер стратегиясининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш ангиогенез ингибиторларини олган беморларда КЎМКни 3 баробар яхшиланишини кўрсатди.
7. АИИВЮ самарадорлигини қиёсий баҳолаш, ПДРни даволашда қабул қилиш частотасига қараб, 3 та АИИВЮ режимида кўриш ўткирлигини сезиларли даражада ошганлиги ва тўр парда қалинлиги пасайганлигини кўрсатди. PRN режимида 1 йилига ўртача ташрифлар сони 12,7 ни ташкил этди, белгиланган режимда у 12,0 ни ташкил этди, бу Т&Е режимига нисбатан анча юқори бўлди - 8,3 ташрифлар, шу жумладан дастлабки ва охириги ташрифлар. Кузатувнинг биринчи йилидаги ўртача инъекциялар сони учта режимда мос равишда 4,0; 7,0 ва 8,8ларни ташкил этди. Т&Е режими беморга йўналтирилган ёндашувни ҳисобга олган ҳолда минимал инъекциялар ва ташрифлар сони билан даволашнинг оптимал натижаларига эришишга имкон беради.
8. Гемаза фибринолитик препарати гемофтальмларнинг резорбцияси учун самарали восита бўлиб, айниқса, қон қуйилишикейинги дастлабки даврда 10 кунгача бўлган вақт ичида, беморларнинг 2/3 қисмида оптик муҳитни аниқлаштириш ва қон кетишининг резорбцияси туфайли кўриш кескинлигини 1,58 баравар яхшилайти. Операциядан кейинги АИИВЮ ПДР бўлган беморларда гемофтальмнинг қайталаниши хавфини нахзорат гуруҳига нисбатан 4 марта камайтирди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ МИКРОХИРУРГИИ ГЛАЗА**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

НОРМАТОВА НАРГИЗА МИРШОВКАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ, ЛЕЧЕНИЯ И
ПРОФИЛАКТИКИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ РЕТИНОПАТИИ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.DSc/Tib364

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.eyecenter.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziyo.net

Научный консультант:

Камилов Халиджан Махамаджанович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Билалов Эркин Назимович
доктор медицинских наук, профессор

Исмаилов Саид Ибрагимович
доктор медицинских наук, профессор

Казайкин Виктор Николаевич
доктор медицинских наук
(Российская Федерация)

Ведущая организация:

Медицинский факультет Стамбульского университета, Кафедра офтальмологии
(Турция, Стамбул)

Защита диссертации состоится « 1 » июля 2021 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре микрохирургии глаза (Адрес: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, Кичик халка йули, дом 14. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: info@eye-center.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра микрохирургии глаза (зарегистрирован за № 005-А) Адрес: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, Кичик халка йули, дом 14. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: info@eye-center.uz

Автореферат диссертации разослан « 16 » июня 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 29 от « 16 » июня 2021 года).

А.Ф. Юсупов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук

Ш.А. Джамалова
учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, доцент

М.Х. Каримова
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день «...сахарный диабет (СД) является наиболее опасным вызовом всему мировому сообществу и приоритетом первого порядка национальных систем здравоохранения всех без исключения стран мира...»¹. С ростом глобальной заболеваемости СД как в экономически развитых, так и в развивающихся странах распространенность диабетической ретинопатии (ДР) также увеличилась. По последним оценкам, около 486 миллионов человек во всем мире имеют СД и примерно треть ДР, включая диабетический макулярный отек (ДМО).

В мировом масштабе результаты исследований, проведенных в 33 странах, выявили существенные расхождения в распространенности ретинопатии: от 10% в Норвегии до 61% в Южно-Африканской Республике среди людей с уже диагностированным СД; и от 1,5% среди афроамериканцев в США до 31% в Китае среди людей с впервые выявленным СД. Согласно мировой статистике выраженность ДР обусловлена длительностью диабета и степенью его компенсации, наличием артериальной гипертензии (АГ), дислипидемии и диабетической нефропатии. Несмотря на совершенствование методов диагностики и лечения ДР, инвалидность по зрению среди больных СД составляет более 10%, каждый год в мире более 600 тыс. больных диабетом полностью теряют зрение.

В Узбекистане с целью достижения уровня мировых стандартов по ранней диагностике глазных заболеваний и снижению их осложнений были обозначены такие задачи, как «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, а также формирование медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, патронажа и пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»². В связи с этим назрела необходимость в изучении фактической распространенности ДР по отношению к различным факторам риска, использования различных видов терапии, а также клинко-патогенетических особенностей дифференциального подхода к лечению через призму прогрессирования ДР, профилактики слабости зрения и слепоты. Необходим качественный математический анализ структур глазного дна и определение прогноза заболевания при ДР и ДМО, а также исследования по изучению морфологии и функции сетчатки. Также нужны исследования по изучению изменений клинко-морфофункциональных показателей в динамике при длительном и многократном введении анти-VEGF препаратов, как в моно, так и комбинированной терапии.

В соответствии с Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному

¹International Diabetes Federation, Diabetes Atlas 8th Edition, 2017

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018г. важными задачами определены повышение качества оказания медицинских услуг населению. Приоритетным направлением является ранняя диагностика и предупреждение заболеваний эндокринной системы, через оказание высококвалифицированной помощи и широкого использования современных технологий исследований больных сахарным диабетом. Настоящее диссертационное исследование в определённой степени соответствует задачам, обозначенным в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4295 «Об утверждении национальной программы по совершенствованию эндокринологической помощи населению республики на 2019 — 2021 годы» от 19 апреля 2019 года.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.³

Исследования, направленные на улучшение ранней диагностики, лечения и профилактики диабетической ретинопатии, были проведены в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, включая Национальный центр офтальмологии Сингапура (Сингапур), Оксфордский университет (Великобритания), Кэти Пескара. Кафедра офтальмологии, Университет Д'Аннунцио (Италия), Кафедра офтальмологии, Женевский университет (Швейцария), Медицинский факультет, Гейдельбергский университет, Мангейм (Германия), Кафедра офтальмологии, Университет Земмельвейса (Будапешт), Американская академия офтальмологии (США), Эндокринологический научный центр ФГБУ Минздрава России (Россия), Первый Московский государственный медицинский университет (Россия), Московский научно-исследовательский институт офтальмологии им. Гельмгольца (Россия), МНТК Микрохирургии глаза имени акад. С.Н. Федорова (Россия), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии имени акад. Ё.Х. Туракулова и Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников (Узбекистан).

На основании исследований, проведенных в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях по ранней диагностике, клинико-диагностическим основам диабетической ретинопатии, факторам риска прогрессирования и совершенствованию их лечения, был получен ряд научных результатов, в том числе о распространенности СД типа 2. диабет и Первый Московский государственный медицинский университет и Центр эндокринологических исследований (Россия);

³Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации сделан на основании: pubmed.ncbi.nlm.nih.gov, www.clinicaltrials.gov; www.rmj.ru, mntk.ru, www.ophtal.org, www.ncbi.nlm.nih.gov; cyberleninka.ru; scholar.google.com, www.medline.ru, www.eyepress.ru/sbornik, www.bjophthalmol.com, www.eyeworld.org, www.aoj.org, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, www.iso.nbu.edu.cn; www.uni-heidelberg.de, www.english.tau.ac.il; www.uef.fi; www.manchester.ac.uk; www.en.scu.edu.cn; www.unc.edu; www.uh.edu; www.niddk.nih.gov; www.wisc.edu сайтлап www.dissercat.com, www.elsevier.com

